

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ХОМИДОВ ЭЛДОР ОЛИМОВИЧ

**ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

**12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Хомидов Элдор Олимович

Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини
фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш..... 3

Хомидов Элдор Олимович

Гражданского-правовое регулирование предпринимательской
деятельности государственных высших учебных заведений..... 21

Khomidov Eldor Olimovich

Civil-legal regulation of entrepreneurial activity of state higher educational
institutions..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.32/30.12.2019.Үн.74.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ИНСТИТУТИ**

ХОМИДОВ ЭЛДОР ОЛИМОВИЧ

**ДАВЛАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИНИ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

**12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи.
Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Yu245 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (_____) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мухаммадиев Аюб Абдурахмонович юридик фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Мадумаров Талантбек Толибжонович юридик фанлар доктори, профессор Меҳмонов Қамбариддин Мирадхамович юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти ҳузуридаги DSc.32/30.12.2019.Yu.74.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир мартали илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50. e-mail: hti@umail.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109., Тошкент вил., Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х. Рустамбаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлари доктори, профессор

М.Т. Аҳмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

М.Б. Усмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро тажриба шундан далолат берадики, дунёнинг энг жадал ривожланаётган мамлакатларида таълим хизматлари ва маҳсулотларига бўлган талаб ва таклиф ҳажми йилига 14-17 фоизгача ўсиб бормоқда. Оксфорд университетиде йиллик айланма маблағ ҳажми 2019 йил 31 июль ҳолатига кўра 2,45 млрд. фунт стерлингни ташкил қилади¹, Гарвард университетиде тадбиркорлик фаолияти ортидан ташкил қилган мақсадли фонди 2019 йилга келиб 40,9 млрд. долларни² ҳамда Вашингтон университетиде эса, инвестициявий фойдаси 2017-2019 молиявий йилларда 443,383 млн. доллардан ошган³.

Жаҳоннинг олий таълими ривожланган давлатлардан АҚШ, Германия, Швеция, Голландия, Бельгия, Буюк Британия ва Финляндия каби давлатлар «тадбиркор университет» моделини ривожлантиришда етакчилик қилиб келишмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад олий таълим муассасаси (кейинги ўринларда - ОТМ)нинг моддий мустақиллигини ошириш ва кўшимча молиялаштириш манбаларини мустақил қидириб топиш орқали давлат бюджети маблағларидан кўп манбали молиялаштириш тизимига ўтиш кўзланган.

Республикамизда «таълим ва фан соҳасини ривожлантириш»да пуллик хизматлар кўрсатиш ва молиялаштиришнинг кўшимча манбаларини излашда олий ўқув юртларининг ваколатларини кенгайтириш йўли билан уларнинг мустақиллигини босқичма-босқич ривожлантириш белгиланган⁴. Бирок шунга қарамасдан давлат ОТМларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш асослари, ОТМлар томонидан тузиладиган тадбиркорлик фаолиятига оид шартномалар тизими ҳамда ОТМларнинг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларни мулкдор – муассис ва ОТМ ўртасидаги тақсимланишини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш, ОТМларни «университет - 3.0.» концепцияга ўтказишнинг қонунчилик асосларини белгилаш илмий-амалий жиҳатдан долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1997), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ–4391-сон⁵, 2018 йил 14 июлдаги «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3855-сон Қарорлари⁶, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17

¹ <http://www.ox.ac.uk/sites/files/oxford/Annual%20Review%2020/18-19.pdf>

² <https://www.harvard.edu/about-harvard/harvard-glance>

³ <https://finance.uw.edu/fm/uwar/annualreport2019.pdf>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.07.2019 й., 07/19/4391/3411-сон.

⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.07.2018 й., 07/18/3855/1513-сон.

январдаги 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури ПФ-5635-сон¹, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони² ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида»ги 967-сон Қарор³ларининг ижросини таъминлашда ва бу борадаги устувор вазифаларнинг амалга оширилишида мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиздаги ҳуқуқшунос олимлардан Ҳ.Р.Раҳмонқулов, И.Б.Зокиров, О.Оқюлов, М.Х.Боротов, Н.Ф.Имомов, И.И.Насриев, Ш.Рўзиназаров, Ш.Асадов, Б.Б.Қодировлар томонидан муаммонинг умумий ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган⁴.

МДХ мамлакатлари ҳуқуқшунос олимлари томонидан олий таълим муассасаларининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми ва тадбиркорлик фаолиятининг айрим жиҳатлари В.В.Кванина, С.В.Барабанова, Н.С.Барабашева, С.В.Куров, С.В.Сарбаш, М.Ю.Федорова, А.А.Асеева, А.Ю.Бондарь, Л.М.Волчанская, Т.В.Жукова, О.Б.Леонтьева, Л.Г.Максимец, В.В.Насонкин, М.Н.Суровцеваларнинг илмий ишларида баён этилган. Аммо республикамизнинг ҳозирги ривожланиш шароитида фуқаролик қонунчилиги, ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар илмий - назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилмаган ва алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот иши мавзуси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти Кенгашининг 2018 йил 5 октябрдаги 1-сонли йиғилиш баённомаси қарори билан тасдиқланган.

Тадқиқотнинг мақсади давлат олий таълим муассасаларининг

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.12.2019 й., 09/19/967/4107-сон.

⁴ Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

тадбир-корлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаш-тириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат олий таълим муассасаларининг юридик шахс сифатида тушунчасини ва ҳуқуқий белгиларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш;

давлат олий таълим муассасаларининг юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятларини очиб бериш;

давлат олий таълим муассасалари тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва самарадорлигига баҳо бериш;

давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг мулкӣ асосларини таҳлил этиш;

давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шартлари ва тартибини кўрсатиб бериш;

давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш усулларини белгилаб олиш;

давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожланиш истиқболларини очиб бериш;

давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид шартномаларнинг мазмуни ва уларни бажариш муаммоларини аниқлаш;

давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид шартномаларнинг бекор бўлиши ва уларни бузганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қўлланилишини таҳлил қилиш ҳамда илмий асосланган таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишга оид асослар, нормалар, механизмлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни қўллаш амалиёти, бу борадаги айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда шу билан боғлиқ бўлган муаммолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг диалектик ёндашув, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш ва микдорий усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасасининг олий таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини юритадиган, йўналишларга мувофиқ илмий-тадқиқот, илмий-услубий, инновацион ва бошқа ишларни амалга оширадиган таълим муассасаси эканлиги асосланган;

олий таълим муассасаларининг босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишлари учун давлат томонидан шарт-шароитлар яратиш, таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақлилиги асосланган;

давлат олий таълим муассасасининг ривожлантириш жамғармасига ажратилган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида сарфланишига доир қоида ишлаб чиқилган;

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларининг вазифалари сифатида қўшимча таълим хизматларини кўрсатиш, иқтисодиёт тармоқлари мутахассисларининг малакасини ошириш ва бошқа пуллик хизматларни жорий этиш асосланган;

олий таълим муассасаларининг илмий даражага эга ходимлари учун қўшимча ҳақ белгиланиши билан боғлиқ ҳаражатларни молиялаштириш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги, «Фуқаролик кодекси», «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларини кафолатлари тўғрисида»ги қонунларни такомиллаштириш давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик ҳуқуқий тартибга солишда соҳадаги қонун ҳужжатларининг ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш учун асос бўлади;

давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар бўйича яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ҳамда интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришда иштирок этган ходимларни мукофотлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишида асос бўлиб хизмат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида»ги 967-сон Қарорига киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этишда ҳуқуқий асослардан бири саналади ҳамда инновацион ва интеллектуал фаолият натижаларини ОТМлар томонидан тўғридан-тўғри харидор (буюртмачи)ларга сотиши ёки тижоратлаштириши учун имконият яратилади;

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги «Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида»ги 1030-сон Қарорига киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар давлат бюджетидан самарали ва оқилона фойдаланиш, давлат бюджетини тежаш каби ижобий ҳолатларни вужудга келтиради;

давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолияти юзасидан вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини такомиллаштиришда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар расмий манбалардан олинганлиги билан, амалий натижаларининг ишончлилиги расмий статистик манбалардан фойдаланилганлиги билан ҳамда хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинганлиги билан, шунингдек олинган натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда ёритилган илмий-назарий хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар келгусидаги олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қонун ижодкорлигида ва уни қўллаш амалиётида, олий таълим муассасалари тадбиркорлик қонун ҳужжатларига оид қонун нормаларини ишлаб чиқишда ўз аксини топади. Шу билан бир қаторда диссертация ишининг илмий натижаларидан соҳага оид маъруза ва семинар машғулотларини ўқитишда, ўқув-методик ишланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Фуқаролик кодекси», «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Давлат олий таълим муассасаларини тадбиркорлик фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олий таълим муассасасининг олий таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини юритадиган, йўналишларга мувофиқ илмий-тадқиқот, илмий-услубий, инновацион ва бошқа ишларни амалга оширадиган таълим муассасаси эканлигига оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 3-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2020 йил 25 февралдаги 04/5-05-6-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши олий таълим муассасасининг ҳуқуқий мақомини, тадбиркорлик фаолиятининг йўналишларини аниқлашга хизмат қилади;

олий таълим муассасаларининг босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтишлари учун давлат томонидан шарт-шароитлар яратиш, таълим муассасалари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан

белгиланган тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақлилигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 59-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг 2020 йил 25 февралдаги 04/5-05-6-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши олий таълим муассасасининг ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиши, қўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатиш орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга имкон беради;

давлат олий таълим муассасасининг ривожлантириш жамғармасига ажратилган маблағлардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида сарфланишига доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари ҳаражатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибининг 29-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 25 февралдаги 12-18-5-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги давлат олий таълим муассасасининг ривожлантириш жамғармасига ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишга хизмат қилган;

ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларининг вазифалари сифатида қўшимча таълим хизматларини кўрсатиш, иқтисодиёт тармоқлари мутахассисларининг малакасини ошириш ва бошқа пуллик хизматларни жорий этишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида»ги 967-сон қарорида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 25 февралдаги 12-18-5-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларининг вазифаларини аниқлашга хизмат қилган;

олий таълим муассасаларининг илмий даражага эга ходимлари учун қўшимча ҳақ белгиланиши билан боғлиқ ҳаражатларни молиялаштириш тартибига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 декабрдаги «Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида»ги 1030-сон қарорида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 25 февралдаги 12-18-5-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган олий таълим муассасаларининг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбурятларини белгилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шундан, диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 15 таси (шундан 2 таси хорижий журналларда ва 2 таси хорижий илмий-амалий конференция материалларида) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУН

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги асослантилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Давлат олий таълим муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асослари**» деб номланган биринчи бобида ОТМларнинг юридик шахс сифатида тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари, ОТМларнинг юридик шахс сифатидаги фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари, ОТМлар тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилган ва ўрганилган.

Мазкур бобнинг «**Давлат олий таълим муассасаларининг юридик шахс сифатида тушунчаси ва ҳуқуқий белгилари**» деб номланган биринчи параграфида ОТМларнинг келажакда ўзини ўзи тўлиқ молиялаштириш тизимига ўтиши ва ривожланиши учун юридик шахс сифатида ташкилий-ҳуқуқий шакллари ўрганилган.

ОТМларнинг ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиши ва улар мустақиллигини таъминлаш йўналишларидан бири сифатида ОТМларни акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда АЖ) шаклида қайта ташкил этиш, яъни мавжуд давлатга қарашли ОТМларни АЖ ташкилий-ҳуқуқий шаклига ўзгартириш истиқболлини, бундан кутиладиган ижобий самара ва юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар асосланган.

ОТМларни юридик шахс сифатида АЖ шаклида ташкил этилиши борасида хорижий давлатлар тажрибаси ва қонунчилиги таҳлил этилган.

Тадқиқот ишида, Ўзбекистонда ҳам ОТМларни юридик шахс сифатида АЖ шаклига ўзгартиришнинг икки хил варианты таклиф қилинган.

Диссертант тадқиқот ишида миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги 763-І-сон **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»**ги Қонунига **«Нотижорат акциядорлик жамиятлари»** деб номланган янги 13¹-моддани киритишни талиф қилган.

ОТМлар юридик шахс сифатида ваколатхона ва филиалларга эга бўлиши ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақоми мавжуд эмаслиги ўрганилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан **«Давлат олий таълим муассасаларининг ваколатхона ва филиалларини ташкил этиш тартиби тўғрисида»**ги низом ишлаб чиқилиши лозимлиги асосланган.

Диссертант, Ўзбекистон Республикасининг ФК ва **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»**ги Қонунда муассасалар фаолиятида кўплаб бир-бирига зид келувчи тушунчалар мавжудлигини ва уларни бирхиллаштириш лозимлигини талиф қилган.

Тадқиқотчи, қонунчиликда олий таълим муассасасининг юридик шахс сифатидаги тушунчаси ифодаланмаганлигини ва мазкур тушунча ОТМнинг ҳуқуқий мақомини ўзида ифодаланиши зарурлигини таъкидлаб, Ўзбекистон Республикаси **«Таълим тўғрисида»**ги қонун лойиҳасининг 3-моддасида қуйидаги мазмунда таъриф берилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди:

«олий таълим муассасаси - олий таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини юритадиган, йўналишларга мувофиқ илмий-тадқиқот, илмий-услубий, инновацион ва бошқа ишларни амалга оширадиган таълим муассасасидир».

Биринчи бобнинг **«Давлат олий таълим муассасаларининг юридик шахс сифатидаги фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари»** деб номланган иккинчи параграфда ОТМларнинг тадбиркорлик борасида фуқаролик муомаласидаги иштироки ўрганилган.

ОТМларнинг юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолиятига ҳуқуқий баҳо берилган ва тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки ва энг муҳим белгилари ўрганилиб таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан, тадбиркорлик фаолиятнинг доимий (профессионал) асосида амалга ошириладиган фаолият эканлиги асослантирилган. Шундан келиб чиқиб, **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ-328-сон қонунининг 3-моддасини қуйидаги таҳрирда белгилаш мақсадга мувофиқдир:

«Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий равишда ва тизимлилик асосида амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир».

ОТМ универсал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлилиги асосланган.

Тадқиқот ишида, ОТМлар уставини давлат рўйхатидан ўтказиш

тартиби ва муддатларини белгилашга оид назарий қоидалар келтирилган.

Мазкур бобнинг «**Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари**» деб номланган учинчи параграфида, давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш орқали келажакда босқичма- босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш борасида қабул қилинган норматив ҳужжатлар тадқиқ этилган.

ОТМларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 76-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 1997 йил 29 август, 464-И-сон қонуннинг 6-моддасига, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрель, 763-И-сон қонуннинг 2 ва 31-моддаларига, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги янги таҳрирдаги 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ-328-сонли қонуннинг 1-моддасига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозимлиги асосланган.

Диссертант томонидан, ОТМларнинг тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва амалга ошириш тамойиллари ишлаб чиқилган ҳамда муассасанинг тадбиркорлик фаолиятига муаллифлик таърифи берилган.

Диссертант, фуқаролик қонунларни тадқиқ этиб муассаса (ОТМ)ларга нисбатан нотижорат ташкилот сўзининг ишлатилиши мазкур ташкилотларнинг мақсадини тўлиқ очиқ бера олмаслигини, Ўзбекистон Республикасининг ФКда юридик шахсларни тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга ажратилишини мантиқан нотўғри ҳолат эканлигини асослаган. Шу боис, ФКнинг 40-моддасига ўзгартириш киритиш таклифини берган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шартлари ва тартиби**» деб номланиб, ОТМларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг мулкӣ асослари, давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шартлари ва тартиби, давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш усуллари таҳлил этилган.

Мазкур бобнинг «**Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг мулкӣ асослари**» деб номланган биринчи параграфида ОТМларнинг мулкӣ ҳуқуқлари ва мутлақ ҳуқуқларини фуқаролик муомаласига киритишга, даромад кўришга оид қонунлар ва қонуности ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Диссертантнинг фикрича, ОТМда илм-фан, техника ва бошқа соҳада яратилган асарларга ва технологияларга нисбатан мутлақ ҳуқуқ тегишли бўлади. Интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ёки индивидуллаштириш воситаларига нисбатан истисно ҳуқуқ эгаси бўлган ОТМ ўз хоҳишига кўра қонунга зид бўлмаган ҳар қандай усулда ва шаклда улардан фойдаланишга ҳақлидир. Мазкур қоида ни Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 23 февралдаги буйруғи билан тасдиқланган Олий таълим тўғрисидаги низом¹ (Адлия вазирлиги томонидан 1222-сон билан рўйхатга олинган)нинг 10-боби 75-бандида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотчи, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг мулкрий асоси таваккалчиликни талаб қилишини таъкидлаб, асосий фаолият йўналиши тижоратчи бўлмаган юридик шахслар учун бундай талаб қўйилиши ноўрин деб ҳисоблайди.

Бугунги кунда ОТМ бюджет муассасаси ҳисобланганлиги боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларини ҳаражатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади². Диссертант фикрича, мазкур тартиб ўз вақтида бюджет ташкилотларида ҳаражатларни тартибга солишда ўзига хос вазифани бажарган бўлсада, бугунги ислохотлар шароитида унга жиддий ўзгартиришлар киритилиши зарур.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарорига илова билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотлари ҳаражатларини молиялаштириш (тўлаш) тартиби»нинг 29-бандини ўзгартиришга оид таклифлар берилган.

Ушбу бобнинг «**Давлат олий таълим муассасаси тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш шартлари ва тартиби**» деб номланган иккинчи параграфида ОТМларнинг муассис томонидан ташкил этиш мақсадларига мос келадиган ҳамда уни асосий фаолиятдан чалғитмайдиган тарзда тадбиркорликни амалга ошириш шартлари ва тартиби очиб берилган.

Диссертантнинг фикрича, ОТМнинг бевосита фаолият йўналишига мос бўлган фаолият ҳамда қўшимча фаолият натижасида олган даромадининг ҳуқуқий режими, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш қонунчиликда етарлича ўз ифодасини топмаган. Масалан, ОТМ ижара муносабатларида 40 фоиз³ улуш олса, инновацион фаолиятдан 40 ва 30 фоиз⁴ ҳажмида, фаолият йўналишидан топган даромадига нисбатан моддий рағбатлантириш учун 25 фоизгача, моддий-техник таъминот учун эса 75 фоизгача йўналтирилиши мумкин⁵. ОТМнинг тадбиркорлик фаолияти кенг қамровли бўлиб, унинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатлари етарлича қонуний тартибга солинмаганлиги асосланган.

ОТМнинг асосий вазифаси таълим фаолияти ҳисобланади. Бунда таълим фаолиятига путур етказмаган ҳолда, қўшимча фаолиятни тўлақонли амалга ошириш бирмунча мураккаблик касб этади. Шундай бўлса-да, ОТМ йирик интеллектуал потенциалга эга бўлган ҳолда, бошқа даромад

¹ Бюллетень нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств Республики Узбекистан, 2003 г., № 4; Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2010 г., № 46, ст. 416; 2013 г., № 50, ст. 658; Национальная база данных законодательства, 16.10.2017 г., № 10/17/1222-3/0108.

² Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 9-сон, 51-модда.

³ Қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 48-сон, 494-модда.

⁴ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.07.2018 йил., 07/18/3855/1513-сон.

⁵ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 24.12.2019 й., 09/19/1030/4191-сон.

келтирадиган фаолият билан шуғулланмаслиги ҳам мумкин эмас. Бунда асосий йўналиш сифатида илмий-тадқиқот фаолияти (илмий-техник ишланмалар, янги технологиялар, интеллектуал мулк объектлари яратиш, маслаҳат хизматлари, экспертиза ўтказиш, илмий-текшириш ишлари пудрати, тажриба-конструкторлик, лойиҳа қидирув ишлар пудрати, турли грантлар (фундаментал, амалий, инновацион) доирасидаги тадқиқотларни амалга ошириш каби ишлар очиб берилган.

Диссертантнинг фикрича, ҳозирги вақтда инновацион хизматларни тижоратлаштиришнинг ҳуқуқий механизми мавжуд эмас. Шу боис, барча *ОТМларда инновацион хизматларни тижоратлаштириш тартиби тўғрисидаги низом ҳамда ҳақ эвазига инновацион хизматлар кўрсатишда иштирок этган муаллифлар ва илмий жамоаларга бир марталик мукофот тайинлаш бўйича комиссиялар* фаолияти йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур бобнинг **«Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш усуллари»** деб номланган учинчи параграфда ОТМлар томонидан уларнинг келажагини белгилаб берадиган тадбиркорлик фаолиятининг йўллари ўрганилган.

ОТМ ўқув жараёнини таъминлаш билан бир қаторда илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириши, фақат бюджет маблағларини кутмасдан, балки инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этиш орқали кўшимча даромад олишга ҳаракат қилиши табиий.

ОТМ тадбиркорлик фаолияти бошқа тадбиркорлик фаолияти билан муайян ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти бўйича бугунги давлат ОТМ оператив бошқарув ҳуқуқи асосида мол-мулкидан фойдаланади, давлат бюджети томонидан молиялаштирилади, олинган даромадлар ҳам бевосита мулкдор – давлат томонидан тасарруф этилади.

Диссертант, тўлов-контракт асосида таълим бериш бирламчи тадбиркорлик фаолияти сифатида қаралмаслиги зарурлигини таъкидлайди. Диссертант ишда ОТМлар томонидан инновацион ишланмаларини тижоратлаштириш учун ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни асослаб берган.

Тадқиқотчининг фикрича, *давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар бўйича яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш ҳамда интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштиришда иштирок этган ходимларни мукофотлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши зарур.*

Диссертация ишининг **«Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини истиқболлари ва уларнинг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш»** деб номланган учинчи бобида давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболлари, давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид шартномаларнинг мазмуни ва уларни бажариш муаммолари, давлат олий таълим муассасаларининг

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид шартномаларнинг бекор бўлиши ва уларни бузганлик учун фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг қўлланилиши таҳлил қилинган.

Учинчи бобнинг «**Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг истиқболлари**» деб номланган параграфда ОТМ фаолият йўналишининг асосий мақсади сифатида кўриладиган таълим ва фанни амалиёт билан интеграциялаш, 2.0 университетларидан 3.0 университет тизимига ўтиш, бунда илм-фан натижаларини тижоратлаштириш, ОТМларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари ўрганилган.

Диссертантнинг фикрича, ОТМ тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган мақсадлар ва қўйилган марраларга эришиш учун, ОТМларни бошқарув усули ва уларнинг юридик шахс сифатида ташкилий-хуқуқий мақомини ҳам ўзгартириш масаласини ўйлаб кўриш вақти келди.

Диссертант, босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётган ОТМларнинг ривожланиши учун молия йили учун шакллантириладиган даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда штатлар жадвалини муҳокама этиш ва тасдиқлаш, ҳамда молия органларида рўйхатдан ўтказмасдан амалга киритиш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан юқори малакали ходимлар учун шахсий устамалар жорий этиш ваколатини олий таълим муассасасида қолдириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Тадқиқот ишида, қўшимча тарзда ўзини ўзи молиялаштирадиган бюджет ташкилотлари ҳамда фақат бюджетдан маблағ олиб фаолият юритувчи ташкилотларга нисбатан маблағларни тасарруф этишига нисбатан бир хил ёндашиш тўғри бўлмаслиги асослантирилди.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳасига **59-модда. Таълимни молиялаштириш** деб номланган модданинг киритилиши асослантирилди.

Мазкур бобнинг «**Давлат олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга оид шартномаларнинг мазмуни ва уларни бажариш муаммолари**» деб номланган иккинчи параграфида мазкур соҳадаги шартномалар турлари ва шартномаларни бажаришда тўсиқ бўлувчи омиллар таҳлил қилинган.

ОТМларда талабаларни ўқитиш тўғрисида тузилган шартномалар ва ҳақ эвазига таълим хизматлари кўрсатишга оид шартномалар ўртасидаги фарқлар асослантирилиб, фарқли жиҳатлари очиқ берилган.

Диссертант, Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинликларни кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида «...тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади» деб белгиланиши тор маънодаги тушунча деб ҳисоблайди. Чунки, мазкур қонуннинг 2-моддасига асосан, нотижорат

ташкilotларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига татбиқ этилади. Бу асосий фаолияти тадбиркорликдан иборат бўлмаган юридик шахслар фаолиятига нисбатан ҳам мазкур қонуннинг қўлланилишини англатади.

Диссертант ишда ОТМнинг тадбиркорлик фаолиятига оид шартномаларни иккига ажратишни ва ОТМнинг мол-мулкни ижарага беришга оид қоидаларни ўзгартириш лозимлигини асослаган.

Тадқиқотчи, Олий таълим тўғрисидаги низом¹ (2003 йил 22 февраль, рўйхат рақами: 1222)га ОТМ тадбиркорлик фаолияти, хизмат кўрсатиш ва шартномавий муносабатларни тартибга солишга қаратилган Х¹ боб киритишни мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди:

